

## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 06 | pp. 244-263 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА  
РАҚОБАТНИ БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ.****Ортиқов Ойбек Абдулаевич**Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчиси, и.ф.н., доцент, Тошкент, Ўзбекистон.E-mail: [ortikova@gmail.com](mailto:ortikova@gmail.com)<https://orcid.org/0009-0001-3696-7497>

**Аннотация:** Банк тизимида банклар сонининг ошиб бориши ёки бозор иштирокчиларнинг кўплигига қарамай монопол даражаси юқори бўлиб қолиши мумкин. Ушбу ҳолат кўп жиҳатдан банк хизматлари бозорида асосий ўринларни давлат улуши мавжуд банклар эгаллаган билан изоҳланади. Ўзбекистон банк хизматлари бозори жуда сегментланган ва банклар тармоқ фаолиятига ихтисослашуву ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ошириш ва хизматлар бозорида рақобатни ривожлантириш бугунги кундаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Замоनावий ривожланаётган дунёда рақобатнинг мавжудлиги иқтисодиёт тараққий этиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Банклараро рақобатнинг ривожланиши банк миқозлари бўлган юридик ва жисмоний шахс бўлишидан қатъий назар иқтисодиёт барча субъектлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Банкларнинг хизматлар бозоридаги стратегияни жорий этиш, нарх сиёсатини шакллантиришга ва ривожланиш истиқболларини белгилашга ёрдам беради. Мазкур мақолада банк тизимининг монополлашув даражасини ўрганиш ва банк хизматлари бозорида рақобат моделларига асосланган методологиялари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** рақобат, банк маҳсулоти, банк хизматлари, кредит сиёсати, фоиз маржаси, кредит хизматлари бозори, қайта молиялаш ставкаси, фоизли даромад, ипотека кредити, истеъмол кредити, микроқарз.

**Кириш**

Ҳозирги вақтда ва миллий банк-молия тизимида кузатилаётган инқирозлар ва пандемиядан кейинги даврда тижорат банклари қийин даврни бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги 5992-сон Фармонида асосан, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини хусусийлаштириш орқали молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш белгиланган. Шунингдек, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш ва банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш орқали банк хизматлари кўрсатишда монопол банклар улушини камайтириш лозим. Тижорат

банклари сонини ошириш ва хизматлар кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш банклараро рақобатни ривожлантиришга замин яратади.

Банклараро рақобат даражасини баҳолаш назорат органлари ёки регуляторлар томонидан амалга оширилади. Асосий инстурмент сифатида банк хизматлари нархи ва унинг ўзгариши билан тартибга солинади. Бундан ташқари, банк тизимидаги рақобатни баҳолашда банк хизматлари бозоридаги улушидан келиб чиқиб баҳолаш фойдаланилади.

Бунинг учун банк тизимида давлат улушидаги банкларни хусусийлаштириш ва бошқа мулк шаклидаги банклар сони ошириш орқали банк тизимидаги активлар умумий ҳажмида давлат улушини 2023 йилга қадар 40 фоизга етказиш белгиланган эди.

Тижорат банклари рақобатда устунликка эга бўлиши молиявий хизматларини юқори сифат ва паст баҳода тақдим этиши орқали стратегик мақсадларини амалга ошириш мумкин. Рақобат турли манфаатдор томонлар учун банк харажатларини камайтиришга ва молиявий хизматлар сифатини яхшилайти, шу билан бирга иқтисодиётнинг ўсиши ва самарадорлигини оширади. Бинобарин, банкнинг харажатларини камайтиришга мажбур қилади. Ҳар қандай соҳада рақобатга қарши ҳатти-ҳаракатлар истеъмолчилар фаолиятига салбий таъсир қилади. Рақобат шароитида банк харажатларини минималлаштириш ва фойдасини ошириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкини ташкил этиш учун капиталга нисбатан минимал талаб 2017 йилдан 100 млрд.сўм белгиланган эди. 2025 йил 1 январдан банкларда устав капиталига ўрнатилган минимал талаб миқдори 500 млрд. сўм белгиланди. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида фаолият юритаётган тижорат банклари сони 2024 йил 1 январ ҳолатига 35 тани ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 8 та ошган. Асосан ушбу ўзгариш хусусий ва қўшма банклар ташкил этилганлиги ҳисобига юз берган. Банклар сонини кўпайтириш, тизимда рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, давлат улуши мавжуд тижорат банклари хусусийлаштириш, уларни потенциал инвесторларга сотиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Банк хизматлар бозорини ривожлантириш орқали республика ҳудудлари бўйича банк хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш ёки ҳар 100 минг аҳолига тўғри келадиган банк тармоғи сонини кенгайтириш банклараро рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади.

#### **Адабиётлар таҳлили.**

Банкларнинг хизматлари бозоридаги рақобатга доир кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ва тадқиқотчилар томонидан мазкур йўналишда изланишлар натижалари билан танишиб чиқамиз ва мақоланинг таҳлилий қисмида уларнинг таҳлил натижаларидан фойдаланишимиз мумкин бўлади.

Банк хизматлари бозорида рақобатини баҳолашнинг бир неча ёндашувлари мавжуд. Буларга фоиз спредлари, банк концентрацияси даражаси, банк тизимининг рақобатбардошлигини ўлчайдиган тартибга солувчи кўрсаткичлар ва банк нархлари ёки бозор кучининг бевосита ўлчовлари киритиш мумкин. Банклараро рақобатни

таҳлил қилиш баъзи тадқиқотчилар томонидан қўлланиладиган ёндашув асосан концентрация, яъни тўпланиш кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Банк хизматлари бозоридаги монополашув даражасини таҳлил қилишда кўпинча саноат бозорлари назариясига асосланган ёндашувдан фойдаланилади. Ушбу назария доирасида банклар истеъмолчилар учун рақобатлашадиган ва ишлаб чиқариш ва нарх қарорларини қабул қилишда ўзаро таъсир ўтказишга қодир бўлган фойдани кўпайтирувчи фирмалар сифатида қаралади.

Саноатни назариясига кўра, рақобатбардош молиявий сектор ижтимоий фаровонликни максимал даражада ошириш ва самарадорликнинг оптимал даражасига эришиш учун зарурдир. Шу сабабли, банклар рақобати молиявий харажатларни пасайтириш ва ишлаб чиқариш жараёни учун бошқа тармоқлар учун зарур бўлган молиявий имкониятларни таклиф қилиш орқали иқтисодий ривожланишга ёрдам беради. Ушбу далил сўнги адабиётларда ҳам исботланган (Амиду & Вилсон, 2014; Ракшит & Бардхан, 2019)<sup>1</sup>.

Тадқиқотчилар Слаессенс ва Лаевен, (2003) мамлакатлараро таҳлилга йўналтирилган тадқиқот ҳам бозор кучи молиялаштиришга таъсири тўғрисидаги далилларни келтириб ўтади. Уларнинг мамлакатлараро тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, рақобатнинг интенсивлиги молия сектори ривожланиши ҳамда иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи жиҳати ҳисобланади. Бироқ, улар банк рақобатида тақсимлаш самарадорлиги мавжудлиги тўғрисида хулосалар шакллантиради<sup>2</sup>.

Бошқа бир иқтисодчи Лианагамаге (2014) тадқиқоти натижаларида ривожланаётган мамлакатларда банк тизимидаги рақобат ва самарадорлик ўртасида боғлиқлик мавжудлигини аниқлайди. Унга кўра, банкларнинг самарадорлиги рақобатнинг минимал даражага кўтарилиши билан пасаяди ва шундан сўнг ўсишни бошлайди.

Банклараро рақобат назариясидаги "рақобатнинг мўртлиги нуқтаи назари" бўйича адабиётларга кўра, рақобат кутилмаган ҳисобланади. Сабаби юқори банк рақобати бозор кучини пасайтиради ва банкларнинг фойдасини қисқартиради ҳамда франчайзинг қийматининг пасайишига олиб келади. Банкларнинг фойда маржасини ошириш учун кўпроқ таваккалчиликни қабул қилишга бўлган рағбат берилади ва натижада банк секторида беқарорликни келтириб чиқаради.<sup>3</sup>

Хименез ва бошқаларнинг (2007) Испания банк тизими, концентрация индекслари ва Лернер индекси маълумотларидан фойдаланган ҳолда, эмпирик таҳлиллари "рақобатнинг заифлик нуқтаи назарини" қўллаб-қувватлайди. Уларнинг хулосалари шуни кўрсатадики, кўпроқ банклараро рақобат юқори рискли кредит портфели билан боғлиқ<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Amidu, M., & Wilson, J. O. S. (2014). Competition in African Banking: Do globalization and institutional quality matter? 31 p. <https://doi.org/10.2139/ssrn.2399050>

Rakshit, B., & Bardhan, S. (2019). Does bank competition promote economic growth? Empirical evidence from selected South Asian countries. *South Asian Journal of Business Studies*, 8(2), 201-223. <https://doi.org/10.1108/SAJBS-07-2018-0079>

<sup>2</sup> S. and Laeven, L. (2003). What drives bank competition? Some international Evidence, *Journal of Money, Credit and Banking*, 36(3), 563-583. <https://doi.org/10.1596/1813-9450-3113>

<sup>3</sup> Liyanagamage, H.D.D. C. (2014). Rethinking the nexus between competition and efficiency in emerging economies: Evidence from Sri Lankan banking sector, *International Journal of Economics, Business and Finance*, 2(5), 1 - 15.

<sup>4</sup> Jimenez, G., Lopez, and Saurina, J. (2007). How Does Competition Impact Bank Risk-Taking? Working Paper No.2007-23,

Фунгасова ва Веилл (2009) 2001-2007 йилларда Россия Федерация банк тизимида рақобат муҳитини ўрганиш ва Лернер индекси билан банк рақобатини баҳолаш орқали ушбу кучли фикрни қўллаб-қувватлайди. Уларнинг хулосалари шуни кўрсатдики, юқори банк рақобати банк тизимининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилади<sup>5</sup>.

Сихак ва бошқалар (2008) таъкидлашича, тизимли банк инқироzi эҳтимоли рақобатбардош банк тизимларига нисбатан концентрланган банк бозорларида камроқ кузатилади. Ушбу далил реал иқтисодий фаолият бўйича банк рақобатининг якуний натижасини шубҳа остига қўяди<sup>6</sup>.

### 1-жадвал

#### Бреснахан моделини қўллаш натижалари

Муаллиф	Мамлакат сони	Модел	Хизматлар бозори	Натижаси
Biker, Naaf, 2000	9 мамлакат, 1991–1998 йй.	Миқдорий олигополия	Кредит ва депозит хизматлари	Курно олигополияси ёки мукамал рақобатни ажратиш имконини бермайди.
Canhoto, 2004	Португалия, 1990–1995 йй.	Нарх олигополияси	Депозит хизматлари	Банк хатти-ҳаракатлари Курно олигополиясига қараганда камроқ рақобатбардош
Spiller, Favaro, 1984	Уругвай, 1970–1980 йй.	Миқдор олигополияси	Кредит хизматлари	Стаскелберг олигополияси, бу ерда ҳукмрон фирмалар бир-бирига нисбатан картел сифатида ва ҳукмрон фирмаларга нисбатан лидер сифатида ҳаракат қилади
Coccorese, 2004	Италия, 1988–2000 йй.	Нарх олигополияси	Кредит хизматлари	Курно олигополиясига қараганда банкларнинг хатти-ҳаракатлари рақобатбардош
Gelfand, Spiller, 1985	Уругвай, 1977–1980 йй.	Миқдор олигополияси	Кредит хизматлари	Мукамал рақобат мавжуд эмас, банклар қарор қабул қилишда бир-бирига боғлиқ.
Gruben, McComb, 2003	Мексика, 1987–1993 йй.	Нарх олигополияси	Умумий	Такомиллашган рақобат

Банк рақобатининг эмпирик хулосалари банк рақобатининг даражасига қараб сезиларли даражада фарқ қилади. Банк рақобати бўйича эмпирик тадқиқотлар рақобат даражасини ўлчаш учун турли хил воситалардан фойдаланган. Ушбу воситалар асосан иккита асосий ёндашувни ифодалайди: таркибий ва таркибий

Federal Reserve Bank of San Francisco. <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.965462>

<sup>5</sup> Fungacova, Z., & Weill, L. (2009). How market power influences bank failures: Evidence from Russia, BOFIT Discussion Papers, 12, 2009. <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.1343173>

<sup>6</sup> Schaeck, K., and Cihak, M. (2008). How does competition affect efficiency and soundness in banking?, Working paper, no 932, European Central Bank. <https://doi.org/10.2139/ssrn.1088605>

бўлмаган. Таркибий ёндашувлар рақобатбардошликни баҳолашда банк бозорининг тузилишига урғу беради. Улар, бозор концентрация коэффиценти ёки бозор концентрацияси даражасини ўлчайдиган Херфиндхал-Хиршман индекси каби индекслардан фойдаланган. Рақобатбардошликни ўлчашнинг таркибий бўлмаган ёндашувлари "янги эмпирик саноат ташкилоти" назариясига асосланади. Бу рақобатбардошликни баҳолашда бозор тузилишини эътиборга олмайди. Лернер индекси (1934), Панзар-Россе ёндашуви (Россе ва Панзар, 1982, 1987), шунингдек, Бреснахан-Лау усули (Бреснахан, 1982, Лау, 1982) рақобатбардошликни миқдорий баҳолашнинг таркибий бўлмаган ёндашувлари ҳисобланади.

Маҳаллий тадқиқотчилардан Ў.Абдулазизованинг тадқиқотларига кўра "Молиявий хизматлар бозори барча сегментларининг устун мавқеини кредит бозори эгаллайди, бу умуман молиявий хизматлар бозори ва унинг барча сегментларининг ривожланиш даражаси тармоқлараро тўлақонли рақобат учун етарли эмаслигини кўрсатади". Тадқиқотчи хулосасига кўра "юқори қайта молиялаш ставкасини белгилаш амалиёти юқори иқтисодий концентрациянинг сифати ва банкларнинг кредит бозорларида бозор ҳукмронлигига эга бўлишининг асосий сифат омили ҳисобланади, чунки инфляция ставкани юзага келтирмайди, аксинча, қайта молиялаш ставкаси асосий инфляция омили ҳисобланади. Натижада кредитлар бўйича фоиз ставкалари асосиз юқори бўлиб, бу истеъмолчининг кредит хизматларини танлаш ҳуқуқини чеклайди." Тадқиқотчининг мазкур хулосаси мунозарали ҳисобланади ва қайта молиялаш ставкасини белгилаш амалиёти банкларнинг кредит бозорларида бозор ҳукмронлигига эга бўлишига таъсир қилмайди.<sup>7</sup>

Тадқиқотчи М.Қулметов банклараро рақобат хусусидаги тадқиқотлари бўйича "республикамиз банк бозорида ҳам молия институтлари билан рақобатлашиш кўникмаларини ривожлантириш ҳар бир банкнинг стратегик мақсади бўлиши зарур. Жаҳон банк бозорида банкларнинг рақобатчилари ривожланиб келмоқда. Бу эса ҳар бир давлатнинг банк бозоридаги бўладиган ўзгаришларни ўз вақтида сезиши, банк соҳасига янги инновацион технологияларни қўллаши муҳимлигини англади" деган хулосани шакллантирган<sup>8</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Ф.Мирзаев "банклараро рақобат деб, одатда, тижорат банклари ўртасида ресурсларни жалб қилиш ва мижозларга молиявий хизматлар кўрсатиш борасида юзага келадиган рақобат тушунилади" деб изоҳлайди. Шунингдек, юқоридаги фикрларга қўшимча сифатида, банклар ресурсларни жалб қилиш ва жойлаштириш борасида банклар ўртасида доимий рақобат мавжуд, аммо банкларнинг ҳудудларда ўрнини мустаҳкамлаш, иқтисодийётнинг айрим тармоқларида устунликка эришиш борасидаги ҳаракатлари ва бошқа йўналишларда кураш олиб боришлари мумкин.

<sup>7</sup> Абдулазизова Ў.Н. Молиявий хизматлар бозорларида рақобат ва монополияга қарши тартибга солиш сиёсати / Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, 2022 йил. Б.28.

<sup>8</sup> Қулметов М. "Банклараро бозорда рақобат механизмини ривожлантириш йўллари" / Молия илмий журнали, 2023 йил 2-сон Б.99-105.

Банклараро рақобат ҳақидаги тадқиқотлар таҳлилидан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон банк амалиётида ва самарадорлик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик адабиётларда назарий ва эмпирик жиҳатдан кўриб чиқилган бўлиб, аммо эмпирик далиллар аниқ ижобий ёки салбий муносабатни англатмайди. Шу сабабли, рақобат ва самарадорлик кўрсаткичлари ўртасида тескари боғлиқ ҳолатларини

1. **Тадқиқот методологияси.** Мазкур мақолада банк хизматлари бозоридаги рақобатнинг назарий асослари тадқиқ этилди. Банк хизматлари бозоридаги рақобатни баолашнинг услублари ва моделлари атрофлича ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси банк тизимига оид статистик маълумотлар асосида таҳлиллар амалга оширилди. Мазкур тадқиқот бўйича таҳлилларда гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари, шарҳлари ва банк тизимига оид амалий маълумотлар асосида таққослама таҳлиллар амалга оширилган.

2. Ушбу мақолани таҳлил қилишда банк бозорларидаги улўшларни баҳолашнинг бозор концентрацияси коэффициенти, Herfindahl - Hirschman индекси ва Gini индекси орқали баҳолаш амалга оширилди. Мақолада 2019- 2023 йиллардаги статистик маълумотлар асосида банк хизматлари бозоридаги рақобат даражаси баҳоланган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Ўзбекистон Республикасининг банк хизматлари бозорига сўнги беш йилликдаги статистик маълумотлар асосида баҳо берамиз ва ундаги рақобат даражасини баҳолаш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Банк хизматлари бозоридаги рақобатни тадқиқ этиш ва унинг баҳолаш бўйича методологияни тузиш бир неча босқичларни ўз ичига олади. Ушбу босқичлар асосан маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва натижаларни баҳолаш орқали амалга оширилади. Банк хизматлари бозоридаги рақобат муҳитини аниқлаш ва уни баҳолаб бориш тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот жараёнида ҳар бир босқичда аниқ ва тўлиқ маълумотлар тўплаш, таҳлил қилиш ва натижаларни тўғри банклараро рақобатни баҳолашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Банклараро рақобатни баҳолаш методологияси бир қатор босқичларни ўз ичига олади, улар рақобат муҳитини тушуниш, асосий рақобатчиларни аниқлаш ва бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун стратегик қарорлар қабул қилишда ёрдам беради.

Банк рақобатини баҳолаш бир қатор усул ва воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Қуйидаги усуллар банк соҳасидаги рақобатни самарали баҳолашга ёрдам беради:

## **1. SWOT таҳлили**

SWOT таҳлили банкнинг кучли ва заиф томонларини, имкониятларини ва мавжуд таҳдидларини баҳолаш учун фойдаланилади:

2-жадвал

«А» банк фаолиятининг SWOT таҳлили<sup>9</sup>

Кучли томонлар	Имкониятлар
Республиканинг барча ҳудудларида хизмат кўрсатиш тармоғининг қулай ҳудудий жойлашуви ва универсаллик	Банк веб сайти орқали хизматлар кўрсатишни жорий этиш
Банкнинг малакали ходимлари мавжудлиги	Банкда хорижий кредит линияларни жалб қилиш
Бренднинг таниқлилиги ҳамда аҳолининг банк фаолияти тўғрисида маълумотга эгаллиги	Мамлакат банк тизимида унча катта бўлмаган улуш
Юқори капитал базаси, молиявий барқарорлик ва ишончлилиги	Банк тизимида валютали ва чакана маҳсулотлар турларининг ривожлантириш
Банк билан кўп йиллик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган йирик мижозлар гуруҳининг мавжудлиги	Онлайн хизматлар кўрсатиш бозорида етакчига айланиш
Рақобатбардош нарх сиёсати ва мижозга алоҳида ёндашув	Автокредит бозорида етакчи банкка айланиш
Банкда электрон тижоратни ривожлантиришга мўлжалланган алоҳида таркибий бўлинманинг мавжудлиги	Рақамли банк хизматларини кенгайтириш
<b>Кучсиз томонлар</b>	<b>Хатарлар</b>
Ходимларни баҳолаш ва ривожлантириш тизимининг заифлиги	Хусусий банк секторининг ривожланиши
Кредитлаш жараёнида стоп-факторларнинг кўплиги	Кучли рақобатчилар
Банкнинг мижозлар базасидан фойдаланиш самарадорлиги пастлиги	Марказий банк томонидан қўйилган молиявий нормативларни бузилиши
Банкда CRM-тизимнинг йўқлиги, фақат битта АБС дастурий таъминотдан фойдаланилиши	Малакали ходимларнинг чиқиб кетиши
Йирик мижозларга қарамлик даражасининг юқорилиги	Талабчан мижозларнинг эҳтиёжларига мослаша олмаслик

Стратегик менежментда энг самарали баҳолаш усуларидан бири SWOT таҳлил ҳисобланади. Ушбу таҳлил асосида банкнинг ички (кучли ва заиф томонларни аниқлаш) ва ташқи (имкониятлар ва хавф-хатарларни қидириш) омилларини таҳлил қилиш ва баҳолаш мумкин.

<sup>9</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги SWOT таҳлилидан банкнинг рақобатдаги афзаллик томонлари камчиликларига қараганда кўпроқ ва бизнесни ривожлантириш учун бир қанча имкониятлар мавжуд эканлигини кузатишимиз мумкин. Тижорат банкнинг стратегик мақсадларига эришиш учун ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва рақобатдаги камчиликларни бартараф этиш, шунингдек унинг оқибатларини юмшатиш бўйича тегишли чоралар кўриб борилиши белгилаб олинган.

## 2. Портернинг беш кучли таҳлили

Банк хизматлари бозорида Портернинг беш кучли таҳлили бозордаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш учун кенг қўлланилиши муҳим ҳисобланади:

- **Янги рақобатчиларнинг кириш хавфи:** Янги банклар ёки молиявий ташкилотларнинг бозорга кириш келиши ва уларнинг келгусидаги таъсири.
- **Ўринбосар маҳсулотлар таҳдиди:** Муқобил хизматлар таклифининг ошиши натижасида банк маҳсулотлари ва хизматлари сотувига салбий таъсир қилади.
- **Мижозлар кучлилиги:** Мижозларнинг музокара қилиш кучлилиги ва уларнинг талаблари.
- **Таъминотчилар кучлилиги:** Таъминотчиларнинг музокара қилиш кучлилиги ва уларнинг таъсири.
- **Мавжуд рақобатчилар ўртасидаги рақобат:** Бозордаги мавжуд тижорат банклари ўртасидаги рақобат даражаси.

## 3. PESTEL таҳлили

PESTEL таҳлили ташқи муҳитнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик, экологик ва ҳуқуқий омилларини таҳлил қилинади:

- **Сиёсий омиллар (P):** Сиёсий муҳит ва давлат сиёсатининг банк соҳасига таъсири ҳамда давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат, дастурлар ва бошқалар баҳоланади.
- **Иқтисодий омиллар (E):** Макроиқтисодий омиллар ва уларнинг банкларга таъсири ҳамда улар бўйича прогнозлар ишлаб чиқилади.
- **Ижтимоий омиллар (S):** Демографик ва ижтимоий ўзгаришлар ҳамда унинг иқтисодиётга таъсир баҳоланади.
- **Технологик омиллар (T):** Технологик ўзгаришлар ва инновацияларнинг таъсири.
- **Экологик омиллар (E):** Экологик омиллар ва барқарорлик масалаларини таҳлил этиш.
- **Ҳуқуқий омиллар (L):** Қонунчилик ва тартибларнинг банк фаолиятига таъсирини баҳоланади.

## 4. Мижозлар сўровномалари ва интервьюлар

Мижозларнинг эҳтиёж ва талабларини тушуниш учун сўровномалар ва интервьюлар ўтказиш:



- **Сўровномалар:** Мижозлардан маълумот тўплаш ва уларнинг фикрларини ўрганиш.

- **Интервьюлар:** Мижозлар билан юзма-юз суҳбатлар орқали аниқ маълумотлар олиш.

## 5. Бозор тадқиқотлари

Бозор тадқиқотлари орқали рақобат муҳитини ва банк хизматларини таҳлил қилиш:

- **Бозор ҳиссаси таҳлили:** Ҳар бир банкнинг бозордаги улушини баҳолаш.
- **Бозор динамикаси:** Бозордаги ўзгаришлар ва тенденцияларни ўрганиш.
- **Истеъмолчи фойдаланишини таҳлил қилиш:** Истеъмолчиларнинг банк хизматларидан фойдаланиш одатлари ва афзалликлари.

## 6. Молиявий кўрсаткичлар таҳлили

Банкнинг молиявий ҳолатини баҳолаш учун молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш:

- **Фойда ва зарар ҳисоботи:** Банкнинг даромад ва харажатларини таҳлил қилиш.
- **Баланс ҳисоботи:** Банкнинг активлари, пасивлари ва капиталини баҳолаш.
- **Нақд пул оқимлари ҳисоботи:** Банкнинг нақд пул оқимларини таҳлил қилиш.

## 7. Бенчмарк таҳлили


Бенчмарк таҳлили орқали банкни бошқа рақобатчилар билан таққослаш:

- **Банк тарифлари ва кўрсаткичлар:** Банкнинг асосий кўрсаткичларини рақобатчилар билан солиштириш орқали ўз имкониятлари баҳоланади.
- **Энг яхши тажрибалар:** Рақобатчиларнинг энг яхши тажрибаларини ўрганиш ва банк фаолиятида қўллаш бўйича чоралар кўрилади.

Ушбу таҳлиллар асосида банк хизматлари бозоридаги рақобатни баҳолаш ва банкнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида стратегияни белгилаш муҳим ҳисобланади. Мазкур ёндашув рақобат муҳитини тўлиқ тушунишга ва бозорда самарали қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Банк хизматлари бозорида банклараро рақобат муҳитини баҳолашни такомиллаштириш орқали банклар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, бозор шартлари асосида кредитлашни амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш ҳамда банк хизматлар кўрсатишини модернизация қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Банк хизматлари бозорида банклараро рақобат муҳитини баҳолаш борасидаги ёндашувларни кўриб чиқиш ва улардан Ўзбекистон Республикаси банк тизими учун хос бўлган моделлардан фойдаланиш келгусида рақобат муҳитини яхшилашга замин яратади.



**1-расм. Банк хизматлари бозорида банклараро рақобатни баҳолаш бўйича ёндашувлар ва моделлар<sup>10</sup>**

Банк хизматлари бозорида банклараро рақобатни баҳолаш бўйича ёндашувларда икки гуруҳга ажратиб баҳолаш моделлари кўриб чиқилади. Банклараро рақобатни баҳолашнинг таркибий моделлари анъанавий модел ҳисобланади ва таҳлилларга асосланади. ва таркибланимаган моделлари мавжуд. “Тузилма-муносабат- фаолият натижаси” гипотезасига мувофиқ баҳолаш Гарвард университети профессори Эдвард Мейсон томонидан таклиф этилган ва “Гарвард парадигмаси” номини олган модел.

Рақобатни баҳолашнинг таркибий моделлари гипотезаси банк секторидagi концентрация бозор ҳокимиятининг бир қўлда тўпланишига олиб келади, деб тахмин қилади. Бу депозитлар бўйича паст фоиз ставкалари ва кредитлар бўйича юқори фоиз ставкалари орқали юқори фойда олиш имконини беради деган ғояни илгари суради. Шундай қилиб, бозорнинг рақобатбардош тузилиши банкларнинг молиявий фаолияти натижаларини белгилайди.

“Тузилма-муносабат- фаолият натижаси” гипотезасига қарама-қарши бўлган “Самарали тузилма” гипотезаси мавжуд бўлиб, унга асосан юқори концентрация, нархлар ва фойда кўпроқ ишлаб чиқариш ва бошқарув самарадорлигининг

<sup>10</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

натижасидир деган тахминга асосланади. Иштирокчи қанчалик самарали бўлса, унинг бозордаги улуши шунчалик юқори бўлади ва натижалар яхшиланади. Ушбу гипотезаси Калифорния университети профессори Харолд Демсец томонидан 1971 йилда илгари сурилган ва Америка банк хизматлари бозорида ўз тасдиғини топган.

Кейинги даврларда банк рақобатини баҳолашнинг янги назарияси таркиблашмаган моделлари таклиф этилди. Ушбу моделлар олигополиядаги стратегик таъсирларни таҳлил қилишга асосланади. Олигополия ва унинг юзага келиши бўйича назарий моделлари тахмин қилинади. Бундай юқори концентрланган бозордаги йирик ўйинчилар узоқ вақт давомида бир-бирлари билан рақобатлаша оладилар ва қилинган стратегик ҳаракатларни башорат қилишга ҳаракат қилади.

Таркиблашмаган моделлар бозор иштирокчиларининг нархлари асосида рақобатни таҳлил қилиш имконини таклиф этилади. Уларнинг аксарияти 1937 йилда А.Лернер томонидан таклиф қилинган монополь ҳокимиятни баҳолашга асосланган. Хусусан, таркиблашмаган моделлар мувозанат бозорининг статик назариясига таянади. Бунда банклар хизмат нархларини белгилашга риоя қиладилар. Эмпирик таҳлилда энг оммабоп модел Ж.Панзар ва Ж.Росс томонидан 1987 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, бозор шароитлари ўзгарганда банклар турли нарх стратегияларига амал қилишини назарда тутувчи Н-statistics деб аталади. Н-statistics ишлаб чиқариш омиллари таннархидаги ўзгаришлар фирма даромадининг ўзгаришига олиб келиши даражасини баҳолайди. Банклар даромади ва харажатлар эгилувчанлиги қанчалик юқори бўлса, бозор шунчалик рақобатбардош ҳисобланади.

Юқорида кўриб чиқилган банклараро рақобатни баҳолаш бўйича ёндашувлар ва моделлар асосида Ўзбекистон Республикаси банк хизматлари бозорида рақобат даражасини баҳолашни кўриб чиқамиз.

Банклараро рақобатни баҳолашда кенг фойдаланиладиган бозор концентрацияси коэффиценти асосида банк хизматлари бозоридаги мавқеини баҳолаймиз. Халқаро амалиётда банклараро бозордаги рақобат муҳитини баҳолашда бозор концентрацияси коэффиценти (БКК) кўрсаткичидан кенг фойдаланилади. Ушбу коэффицентнинг норматив даражаси 35 фоизни ташкил қилади. Мазкур коэффицент қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$КК = \frac{\text{мамлакатдаги 3 та йирик банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури}}{\text{ушбу хизмат турининг жами тижорат банкларидаги улуши}} \times 100\%$$

Ушбу методика ҳар бир хизмат тури бўйича банклараро рақобатни баҳолаш имконини беради. Мамлакатдаги учта йирик тижорат банкларининг маълум хизмат тури бўйича банклараро бозордаги салмоғи 35 фоиздан ошмаслиги мамлакатдаги банклараро рақобат муҳити соғлом эканлигини кўрсатади.


**3-жадвал**

## Ўзбекистон Республикаси банк тизимида энг юқори улушга эга банклар активларининг ўзгариши<sup>11</sup>

(фоиз ҳисобида)

№	ТОП 5 банк	31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши
1	Миллий банк	24,5	21,9	20,3	21,5	19,6	-4,9
2	Саноатқурилишбанк	12,9	13,4	12,7	11,5	11,4	-1,5
3	Агробанк	6,8	8,6	9,0	9,5	10,2	3,4
4	Асака банк	12,8	12,5	11,5	9,2	8,9	-3,9
5	Ипотека банк	8,7	8,9	9,0	7,9	7,3	-1,4
	ЖАМИ	65,7	65,3	62,5	59,6	57,4	-5,3

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида фаолият юритаётган банк хизматлари бозорида энг юқори улушга эга бўлган 5 та банкнинг активлари улуши ўзгаришида камайиш тенденция кузатилган. Бунда банклар улушларининг асосий қисқариши Миллий банк (4,9%), Асакабанк (3,9 %) ҳиссасига тўғри келган. Банк тизимидаги ТОП 5 та банкнинг улуши 2019 йилга (65,7%) нисбатан 5,3 фоизга қисқарган ва 2023 йил якунида 57,4 фоизни ташкил этган.



## 2-расм.Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг бозор концентрацияси коэффиценти ўзгариши<sup>12</sup>

Бозор концентрация коэффицентининг банк тизимидаги активлар улуши бўйича республикадаги даражаси норматив кўрсаткичидан юқоридир. Аммо, мазкур кўрсаткичнинг пасайиш тенденциясига эга эканлиги ижобий бўлиб, 2019-2023 йиллар мобайнида қисқарган. Бу эса, банклараро рақобат муҳитининг шаклланиб бораётганлигидан далолат беради. Агар уч тижорат банкнинг маълум хизмат тури бўйича банклараро бозордаги салмоғи 70 фоиздан юқори бўлса, у

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

холда банклараро бозорда рақобат муҳити мавжуд эмас, деган хулосани шакллантириш имконини беради.

Бозордаги иштирокчилар улушини баҳолаш ва шу асосида рақобат муҳитини баҳолаш усули Herfindahl - Hirschman индекси ҳисобланади. Мазкур индекс бозордаги улушни аниқлаш орқали рақобат даражасига баҳо берилади.

Herfindahl - Hirschman индексининг асосий афзаллиги уни аниқлаш учун зарур бўлган ҳисоблашнинг соддалиги ва ҳисоблаш учун кўп маълумотлар талаб этмайди. Ушбу индекснинг асосий камчилиги шундаки, у жуда оддий чора бўлиб, у рақобатбардош ёки монополистик бозор шароитларини чинакам тўғри баҳолаш имконини берадиган тарзда турли бозорларнинг мураккаблигини ҳисобга олмайди. Регуляторлар Herfindahl - Hirschman индексидан маълум бир соҳадаги йирик компаниялар улушини баҳолаш учун ушбу саноатни рақобатбардош ёки монополияга яқин деб ҳисоблаш кераклигини аниқлаш учун фойдаланиши мумкин.

$$HHI = (s_1)^2 + (s_2)^2 + (s_3)^2 + \dots + (s_n)^2 \quad (1)$$

$$HI = \sqrt{S_1^2 + S_2^2 + \dots + S_n^2} \quad (2)$$

Бу ерда:

HHI - Herfindahl - Hirschman индекси (баллда);

$S_i$  –  $i$ - банкнинг банк хизматлари бозоридаги улуши;

HI - Herfindahl - Hirschman индекси (фоизда).

Herfindahl - Hirschman индекси тизимдаги барча банкларнинг бозордаги улушидан келиб чиқиб, қуйидагича баҳолаш мумкин:

1. Концентрация даражаси юқори бозор ва бунда концентрация даражаси (CR)

$70 < CR < 100$  ва Herfindahl - Hirschman индекси (HHI)  $1800 < HHI < 10000$ ;

2. Концентрация даражаси ўртача бозор ва бунда концентрация даражаси (CR)

$45 < CR < 75$  ва Herfindahl - Hirschman индекси (HHI)  $1000 < HHI < 1800$ ;

3. Концентрация даражаси паст бозор ва бунда концентрация даражаси (CR)  $CR < 45$  ва Herfindahl - Hirschman индекси  $HHI < 1000$ .

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк депозит хизматлари бозоридаги рақобат даражасини Herfindahl - Hirschman индекси орқали баҳолаш<sup>13</sup> (фоиз ҳисобида)

Индекс номи	31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши
<b>Жами депозит хизматлари бўйича</b>						

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Herfindahl - Hirschman	баллда	787	749	763	824	781	-6
	фоизда	28,0	27,4	27,6	28,7	28,0	0
<b>Чакана депозит хизматлари бўйича</b>							
Herfindahl - Hirschman	баллда	1199	1274	1277	1235	1265	66
	фоизда	34,6	35,7	35,7	35,1	35,6	1,0
<b>Корпоратив депозит хизматлари бўйича</b>							
Herfindahl - Hirschman	баллда	861	785	757	847	709	-152
	фоизда	29,3	28,0	27,5	29,1	26,6	-2,7

Ўзбекистон Республикаси банк депозит хизматлари бозоридаги рақобат муҳитида ижобий ўзгаришлар кузатилган. Банкларнинг корпоратив хизматлар бозоридаги рақобат даражаси 861 баллдан 709 баллга пасайиб ижобий ўзгариш юз берган. Лекин, банкларнинг чакана хизматлар бозорида юқори улушга банкларнинг ортиши кузатилгани ҳолда концентрация даражаси ўрта бозор тоифасига тушган. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси банк депозит хизматлари бозоридаги рақобат Herfindahl - Hirschman индекси бўйича концентрация даражаси паст бозор деган хулосага келиш мумкин. Бундан ташқари, депозит хизматлари бозорида рақобатнинг кучайиши муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг жозибадорлигида ҳам ўз аксини топмоқда.

Тижорат банкларининг кредит хизматлари бозоридаги рақобат даражасини Herfindahl - Hirschman индекси орқали баҳолаймиз. Қуйидаги жадвалда банкларнинг жами кредитлар, чакана ва корпоратив хизматлар бозоридаги рақобат даражасини баҳолаш кўрсаткичлари келтириб ўтилади.

#### 5-жадвал

#### Тижорат банкларининг кредит хизматлари бозоридаги рақобат даражасини Herfindahl - Hirschman индекси орқали баҳолаш<sup>14</sup> (фоиз ҳисобида)

Индекс номи		31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши
<b>Жами кредит хизматлари бўйича</b>							
Herfindahl - Hirschman	баллда	1 272	1 189	1 118	1 104	1 040	-232
	фоизда	35,7	34,5	33,4	33,2	32,2	-3,4
<b>Чакана кредит хизматлари бўйича</b>							
Herfindahl - Hirschman	баллда	1078	1281	1220	1145	1214	136
	фоизда	32,8	35,8	34,9	33,8	34,8	2,0
<b>Корпоратив кредит хизматлари бўйича</b>							
Herfindahl - Hirschman	баллда	1520	1368	1316	1344	1279	-241
	фоизда	39,0	37,0	36,3	36,7	35,8	-3,2

Ўзбекистон Республикаси банк кредит хизматлари бозоридаги рақобат муҳитида ижобий ўзгаришлар кузатилган. Тижорат банкларининг жами кредит хизматлар бозоридаги рақобат даражаси Herfindahl - Hirschman индекси бўйича 1272 баллдан 1040 баллга пасайиб ижобий ўзгариш юз берган. Лекин, банкларнинг чакана хизматлар бозорида юқори улушга банкларнинг ортиши кузатилгани ҳолда

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

концентрация даражаси ўрта бозор тоифасига тушган. Банкларнинг чакана ва корпоратив банк хизматларига бозорига тегишли кўрсаткичлар алоҳида баҳоланганда Herfindahl - Hirschman индекси юқори чиққан ҳолатни кўрамыз. Ушбу ҳолатнинг сабаби, чакана кредитлар бозорида айрим банклар етакчи бўлса, корпоратив хизматлар бозорида бошқа банкларнинг улуши юқорилиги ҳисобига бозордаги тўпланиш даражаси ва рақобат даражаси таҳлилида турли натижалар аниқланган.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси банк кредит хизматлари бозоридаги рақобат Herfindahl - Hirschman индекси бўйича концентрация даражаси ўртача бозор деган хулосага келиш мумкин.

Бозордаги рақобатни миқдорий баҳолашнинг яна услуби Джини индекси ҳисобланади. Ушбу индексдан фойдаланиб, нафақат кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш балки, бозор концентрация даражасини баҳолаш мумкин бўлади. Хусусан:

- ишлаб чиқариш, капитал, меҳнат ва бошқалар концентрация даражасини баҳолаш;
- ерларни нотекис тақсимланишининг ўзгариши, ишлаб чиқариш воситалари, даромадлар ва бошқалар.

Мазкур индекснинг қабул қиладиган қийматлари  $[0, 1]$  оралиғида бўлиб, қиймат 1 га қанчалик яқин бўлса, концентрация шунчалик юқори бўлади. График жиҳатдан, Джини индекси координаталар тизимида тенглик чизиғи ва Лоренц эгри чизиғи ўртасида жойлашган майдон сифатида тасвирланади.

Банк хизматлари бозорида банкнинг концентрациясини тавсифлаш учун Джини индексидан фойдаланганда иккита муҳим жиҳатни ҳисобга олиш керак. Биринчиси, индексдаги камчилик акциялар логарифмларининг дисперсия кўрсаткичи каби бозор улушларининг нотекис тақсимланиш даражасини тавсифлайди. Шунинг учун, 10 000 фирма бозорни 10 000 та тенг улушга бўладиган гипотетик рақобат бозори учун ва икки фирма бозорни иккига бўладиган бозор учун Джини индекси бир хил бўлади. Иккинчиси Джини индексини ҳисоблашнинг мураккаблиги билан боғлиқ бўлиб, уни аниқлаш учун тармоқдаги барча фирмаларнинг, жумладан, энг кичик фирмаларнинг улушлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш лозим бўлади.

$$K_G = 1 - 2 \sum_{i=1}^n x_i \text{cum } y_i + \sum_{i=1}^n x_i y_i \quad (3)$$

Бу ерда:

$K_G$  - Джини индекси;


$X_i$  -  $i$ - банкнинг банк хизматлари бозоридаги улуши;

$Y_i$  -  $i$ -банкнинг банк хизматлари бозоридаги ўрталашган улуши;

$n$  - бозордаги банклар сони;


$\text{cum } y_i$  -  $i$  -банкнинг йиғилган улуши.

Юқоридагилар асосида Ўзбекистон Республикаси банк хизматлари бозорида рақобатни Gini коэффиценти асосида баҳолаш таҳлилларни амалга оширамыз.



**3-расм. Ўзбекистон Республикаси банклари депозит хизматлари бозорида рақобатни Gini коэффиценти асосида баҳолаш натижалари<sup>15</sup>**

Ўзбекистон Республикаси банклари депозит хизматлари бозоридаги рақобат даражасини Джини индекси баҳолаш орқали банк тизимида чакана депозит хизматлари бозорида тақсимотнинг ўзгарувчанлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга, 2019-2023 йиллар мобайнида Gini коэффиценти минимум 51,6 фоизгача пасайган ва бу таҳлил давридаги энг яхши кўрсаткич ҳисобланади. Таҳлил даврида банкларнинг депозитлари яна йирик банкларда тўпланиши ҳисобига Джини индекси ошиб, нотекис тақсимотнинг ошганлигини кўрсатади.



**4-расм. Ўзбекистон Республикаси банклари кредит хизматлари бозорида рақобатни Gini коэффиценти асосида баҳолаш натижалари<sup>16</sup>**

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



Ўзбекистон Республикаси банклари кредит хизматлари бозоридаги рақобат даражасини Джини индекси асосида баҳолаш натижаларидан, 2019-2023 йилларда иштирокчилар ўртасидаги улушнинг нотекис тақсимланиши ортган. Таҳлил даврида Гини индекси минимум 55,4 фоизгача пасайган ва банкларнинг кредитлари йирик банкларда тўпланиши ҳисобига Джини индекси ошган.

Ўзбекистон Республикаси банкларининг корпоратив кредит хизматлари бозорида банкларнинг улуши тақсимоти камчиликдаги сондаги банкларда юқори эканлиги натижасида Гини индекси 70 фоиздан юқорини ташкил этган. Чакана кредит хизматлар бўйича тарқоқлик юқорилиги ҳисобига Гини индекси 2020 йилда максимум кўрсаткични (63,1 фоиз) ни ташкил этган. Кўпгина таҳлилчилар ва мутхассисларнинг тадқиқотларига кўра Гини индексининг меъёрий даражаси 40 фоизгача бўлиши нормал ҳисобланади.

Банк хизматлари бозоридаги рақобат даражасини Herfindahl - Hirschman индекси ва Гини индекси орқали баҳолаш натижаларини солиштириб қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

- Herfindahl - Hirschman индекси орқали Ўзбекистон Республикаси банклари депозит хизматлари бозоридаги рақобат даражаси баҳоланганда 2019 йилга нисбатан 2023 йилда ижобий ўзгариш кузатилган бўлса, Гини индекси орқали баҳолашда бозордаги улушлар тақсимоти бузилиш кузатилган;


- Ўзбекистон Республикаси банклари кредит хизматлари бозоридаги рақобат даражаси Herfindahl - Hirschman индекси орқали баҳоланганда 2019 йилга нисбатан 2023 йилда рақобат муҳити яхшиланганини кўриш мумкин. Гини индекси орқали баҳолашда кредит хизматлари бозорида улушлар тақсимоти деярли ўзгариш кузатилмаган

Ушбу таҳлиллар ва усуллар банк рақобатини ҳар томонлама таҳлил қилишга ва бозорда рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради. Улардан фойдаланиш орқали банклар ўз стратегияларини такомиллаштириши ва мижозлар эҳтиёжларини қондиришда самаралироқ бўлиши мумкин.

Банк хизматлари бозоридаги рақобатни баҳолаш ва банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш, банк бозоридаги рақобатни мониторинг қилиш қуйидаги тизимни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банк хизматлари бозоридаги рақобатни баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини шакллантириш орқали банк тизимини ривожлантириш имконияти юзага келади. Бунинг учун банк тизими бўйича барча таҳлилий маълумотлар асосида базани шакллантириш лозим бўлади. Таҳлилларни амалга ошириб, банк тизимидаги норматив кўрсаткич даражаси аниқланади ва унга банкларнинг амал қилиши назоратга олинади. Таҳлиллар асосида банк хизматлари бозоридаги прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилади ва мониторинг амалга оширилади.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



5-расм. Банк хизматлари бозорида банклараро рақобатни мониторинг қилиш тизими<sup>17</sup>

#### Хулоса.

Банк тизимида банкларнинг самарали фаолият юритиши ҳар қандай давлат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиёт тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши кўп жиҳатдан банк тизимидаги рақобат муҳитига боғлиқ. Шунини

<sup>17</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

таъкидлаш лозим, ҳозирги вақтда банк тизими барқарорлигига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади ва ушбу омиллардан асосийси банклараро рақобатдир.

Ушбу мақолада муҳокама қилинган "банклараро рақобат" ва тушунчасининг турли хил талқинлари мавжуд ва ушбу атаманинг умумий қабул қилинган таърифи шаклланмаган. Банклараро рақобат муайян ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, унинг мазмунини аниқлаш бўйича турли олимларнинг фикрлари турлича. Амалда, банклараро рақобатни баҳолаш жуда қийин. Сабаби уни баҳолашнинг кўплаб усуллари ва моделлари мавжуд. Бундан ташқари, уни баҳолашнинг барча усуллари таркибий усулларга (улар орасида асосий ўрин концентрация индексларига берилади) ва таркибий бўлмаган баҳолаш усулларига бўлиниши мумкин. Шу билан бирга, банклараро рақобатни баҳолаш унга кўп сонли турли омиллар таъсири туфайли баҳолаш мураккаб ҳисобланади. Фикримизча, ушбу банклараро рақобат концепциясининг мазмунини аниқлашда унинг мамлакат банк тизимида рақобат даражасини баҳолаш билан боғлиқлигини таъминлаш зарур.

Банк хизматлари бозорида рақобат муҳитини яхшилаш ва ривожлантириш натижасида банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари ва ҳудудларнинг банк хизматлари билан таъминланиш даражаси ортади. Регулятор томонидан банклараро рақобатни ривожлантириш кўрсаткичларини мониторинг қилишнинг комплекс тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Жумладан:

1) банк хизматлари бозоридаги концентрация кўрсаткичлари, Herfindahl - Hirschman индекси, Gini ва Лернер индекси ҳамда мос келадиган бошқа рақобатни баҳолаш кўрсаткичлари ва мониторингини жорий этиш;

2) субъект даражасида ҳудудлардаги банк хизматлари бозорларининг эҳтиёжларини, муайян ҳудудларда концентрация кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва банк хизматларига талаб юқори ҳудудларда банк хизмат кўрсатиш бўлимларини ташкил этиш.

Умуман олганда, банклараро рақобатни баҳолаш ва уни тартибга солиш тизимини ривожлантириш маҳаллий банк тизимининг жозибдорлигини ошириш ва унга бўлган ишончни оширишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони. <https://lex.uz/docs/4811025>.

2. Абдулазизова Ў.Н. Молиявий хизматлар бозорларида рақобат ва монополияга қарши тартибга солиш сиёсати / Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, 2022 йил. Б.28.

3. Қулметов М. "Банклараро бозорда рақобат механизмининг ривожлантириш йўллари" / Молия илмий журнали, 2023 йил 2-сон Б.99-105.

4. Amidu, M., & Wilson, J. O. S. (2014). Competition in African Banking: Do globalization and institutional quality matter? 31 p. <https://doi.org/10.2139/ssrn.2399050>

5. Rakshit, B., & Bardhan, S. (2019). Does bank competition promote economic growth? Empirical evidence from selected South Asian countries. South Asian Journal of Business Studies, 8(2), 201-223. <https://doi.org/10.1108/SAJBS-07-2018-0079>.

6. S. and Laeven, L. (2003). What drives bank competition? Some international Evidence, *Journal of Money, Credit and Banking*, 36(3), 563-583. <https://doi.org/10.1596/1813-9450-3113>
7. Liyanagamage, H.D.D. C. (2014). Rethinking the nexus between competition and efficiency in emerging economies: Evidence from Sri Lankan banking sector, *International Journal of Economics, Business and Finance*, 2(5), 1 - 15.
8. Jimenez, G., Lopez, and Saurina, J. (2007). How Does Competition Impact Bank Risk-Taking? Working Paper No.2007-23, Federal Reserve Bank of San Francisco. <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.965462>.
9. Fungacova, Z., & Weill, L. (2009). How market power influences bank failures: Evidence from Russia, *BOFIT Discussion Papers*, 12, 2009. <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.1343173>
10. Schaeck, K., and Cihak, M. (2008). How does competition affect efficiency and soundness in banking?, Working paper, no 932, European Central Bank. <https://doi.org/10.2139/ssrn.1088605>.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик ҳисобот маълумотлари
12. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
13. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
14. [www.google.com](http://www.google.com)

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

